BIZNES Daily

БИРЖА

Иқтисодий газета

№29 (2504)

Экономическая газета

Ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Пайшанба, 2019 йил 14 март
Четверг, 14 марта 2019 года

www.biznes-daily.uz

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ТАДБИРКОРЛАР ВИЛОЯТИ БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 12-13 март кунлари Навоий вилояти бўлди.

Давлатимиз раҳбари ўз ташрифини Нурота туманидаги "Мармаробод" давлат унитар корхонаси фаолияти билан танишишдан бошлади, дея хабар берди ЎзА.

Президентимизнинг аввалги ташрифи чоғида берилган топшириққа мувофиқ, "Мармаробод" давлат унитар корхонаси ташкил этилиб, 10 миллиард сўм эвазига 6 гектар дашт ерда замонавий корхона ишга туширилди. Хориждан 655,5 минг долларлик технологик ускуналар келтирилиб, йилига 24 минг квадрат метр гранит тошни қайта ишлаш имконияти яратилди. Қирқ киши доимий иш билан таъминланди.

Лойиҳанинг иккинчи босқичида тош қазиб олиш ва уни қайта ишлашни кластер усулида йўлга қўйиш режалаштирилган. Лойиҳа қувватини йилига 3 миллион квадрат метрга етказиш, маҳсулот турини кўпайтириш ва экспортга йўналтириш кўзда тутилган. Бунинг натижасида йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 250 миллиард сўм, экспорт ҳажми 10 миллион долларга етади, бир ярим мингга яқин иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбари корхона маҳсулотларини кўздан кечирар экан, улар хорижий муқобилларидан қолишмаслигини қайд этди. Тошни жаҳон стандартлари даражасида чуқур қайта ишлаш учун малакали кадрлар тайёрлаш, ёшларни иш билан таъминлаш бўйича топшириқлар берди.

Шу ерда "National stone" Ўзбекистон – Канада қўшма корхонаси маҳсулотлари ҳам намойиш этилди. Олмалиқда фаолият юритаётган бу заводда тош кукунини зичлаш орқали турли ранг ва ўлчамдаги плиталар ишлаб чиқарилмоқда. Улардан биноларнинг ташқи қисми ва йўлакларини пардозлаш, офислар, ошхона, ювиниш хонаси ва бошқа жойларни жиҳозлашда кенг фойдаланилмоқда. Бундан ташқари, корхонада тайёрланаётган тош кукуни қурилишда, кварц тошлари сув тозалашда қўлланилмоқда.

"National stone" "Навоий" эркин иқтисодий зонасида яна бир шундай корхона очишни режалаштирмоқда. Бу режа амалга ошса, йилига 75 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, 60 кишини иш билан таъминлаш имконияти яратилади.

Навоий вилоятида 2019-2020 йилларда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, хитойлик инвесторлар билан ҳамкорликда мармардан саноат ҳайкалтарошлигини ташкил этиш, Нурота тумани Ғазғон шаҳарчасини бош режа асосида ривожлантириш лойиҳалари тақдимоти ҳам ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари мазкур ҳудуд инфратузилмаси ва саноатини ривожлантириш учун бу ерга темир йўл линияси тортиш таклифини билдирди.

Президентимиз 2017 йили Навоий вилоятига ташрифи чоғида Нурота туманидаги "Чашма" зиёратгоҳи атрофини кенгайтириш ва ободонлаштириш, замонавий меҳмонхона қуриш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Ўтган йили бу ишлар тўла амалга оширилиб, зиёратгоҳ ҳудуди ўзгача чирой очди. 50 ўринли "Нурота" меҳмонхонаси фойдаланишга топширилди. Манзарали бута ва дарахтлар экилиб, фаввора бунёд этилди. Зиёратчилар ҳордиқ чиқариши учун сўри ва ўриндиқлар ўрнатилди. Музей биноси, Ҳунармандчилик марказини барпо этиш ишлари давом этмоқда.

Шавкат Мирзиёев тарихий қадамжони зиёрат қилди, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди. Келгусида Чилустун ва Панжвақта масжидлари, Абул Ҳасан Нурий мақбарасини ҳам реконструкция қилиш режалаштирилган. Шу борадаги лойиҳа таклифлари билан танишар экан, Президентимиз зиёратчи ва чет эллик сайёҳлар учун қулайликларни ошириш, талаб юқорилигини инобатга олиб яна 80 ўринли меҳмонхона қуриш, сайёҳларга кўрсатиладиган хизмат турларини кўпайтириб, аҳолини қўшимча даромад билан таъминлаш зарурлигини таъкидлади.

Қудуқлар қазиш ва томчилатиб сугоришни йўлга қўйиш орқали Нурота туманидаги лалми ерлардан самарали фойдаланиш, дуккакли экинлар етиштириш ва чорвачиликни кенгайтириш, паррандачилик-галлачилик кластери ташкил этиш режалари муҳокама қилинди.

Шавкат Мирзиёев ушбу барча чора-тадбирларни қамраб оладиган Нурота туманини комплекс ривожлантириш бўйича ҳукумат қарорини ишлаб чиқиш юзасидан топшириқ берди.

Аҳоли вакиллари – нуронийлар, тадбиркорлар, хотин-қизлар ва ёшлар билан суҳбатда шу каби режалар, Навоий вилояти ва мамлакатимиздаги ўзгаришлар ҳақида сўз борди.

Президентимиз Нурота туманида ҳам тўпланиб қолган масалалар босқичма-босқич ҳал этилаётгани, ушбу ташриф чоғида яна улкан режалар белгиланишини қайд этди.

Одамлар бизга ишониб, эртанги кунга умид билан қараяпти. Бу ишончни ҳар бир раҳбар юрагидан ўтказиб, янгича дунёқараш билан ишлаши, халққа хизмат қилиши керак. Энг муҳим масала – иш жойлари. Барча ҳаракатларимиз аҳолини иш билан таъминлаш, иқтисодиётимизни ривожлантиришга қаратилган, деди давлатимиз раҳбари.

Шавкат Мирзиёев 2017 йил 28 март куни Навоий вилоятига ташрифи чоғида Навоий иссиқлик электр станциясида бўлиб, иккин-

Давоми 2-бетда.

Фахр

ҲАР БИР МОБИЛ ТЕЛЕФОН ИЧИДА МУСУЛМОН ЎЗБЕК БОР

BBC корпорацияси томонидан тайёрланаётган "Дунё тарихи" туркум лавҳаларда Шарқ, хусусан, бугунги ўзбекларнинг аждодлари алоҳида ҳурмат билан тилга олинмоқда. Мазкур дастурларнинг бирида ўз даврида бутун ислом олами олимларига етакчилик қилган Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий даҳосига аталган видеолавҳа берилган эди. Унинг муаллифи ва бошловчиси Британиядаги энг машҳур журналистлардан бири Эндрью Маррдир. У Гарбда Алгоритм номи билан донг таратган буюк бобомиз ал-Хоразмий бўлмаганда компьютер ё қўл телефонлари кашф этилмас эди, деган хулосага келади. Энг муҳими, бу ҳақиқатни тан олади. Қуйида мазкур видеолавҳа матнини тўлиқ келтирамиз:

Милодий 827 йил. Илми нужум ва риёзиёт оламининг етакчи олимлари Ироқ шимоли-гарбида тадқиқот билан бандлар. Уларга ўзбек олими Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий етакчилик қилмоқда. Улар янги ва буюк ислом тамаддунининг юраги бўлмиш Багдодда илмий иш олиб бормоқдалар. Ал-Хоразмийни ўз даврининг йирик илмий жумбоқлари кўп ўйлантирган. Бу жумбоқлардан бири заминнинг белбогини ўлчаш эди. Багдод халифаси Маъмуннинг шахсан ўзи исломий халифалик харитасини аниқлаш учун ал-Хоразмийнинг билимига таянган.

Милодий IX асрда мусулмонлар сони 30 миллион нафардан зиёд эди. Халифалик сарҳадлари шарқда ҳозирги Покистон, гарбда эса Испанияга қадар чўзилиб кетганди. Дунёда билимга ташна, қизиқувчан ва шижоатли ислом дини даври бошланганди. Мусулмонлар қадимий қўлёзма ва кашфиётларни қўлга олиб, ўқиб-ўрганишарди. Бу исломнинг олтин асри эди. Ал-Хоразмий Қуёшнинг ерга нисбатан жойлашуви бир даражага ўзгаргунга қадар бўлган жараённи ўрганиши лозим эди. Қуёш жойлашуви бурчаги ўзгаргунга қадар ал-Хоразмийнинг ёрдамчилари олтмиш ярим мил масофани босиб ўтишади. Шу асно ал-Хоразмий оддий чўп ва мис асбоблар билан ҳисоб-китоб қилади ҳамда замин белбоги 23200 мил деган хулосага келади. Бу эса бугун буткул ҳисобланган аниқ ҳисоб-китобларга жуда-жуда яқин.

Ал-Хоразмийнинг асл мутахассислиги алгоритмлар эди. Аслида бу ал-Хоразмий исмининг гарбликлар тилида бузиб талаффуз қилинган ифодасидир.

Ҳар вақт қўлингизга мобил телефонингизни олганда, унутманг, эсда тутинг: унинг ичида мусулмон Ўзбек отахони бор.

Бу алломанинг исми – Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий.



6 СОТИХ ЕРДАН ҚАРИЙБ 90 МИЛЛИОН СЎМ ФОЙДА

Фаргона вилоятининг Ёзёвон тумани Иттифоқ маҳалласида яшовчи Олимжон Олимов ўтган йил ноябрь ойида "Халқ банки"нинг туман филиалидан 35 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, 6 сотих ерда иссиқхона ташкил этганди.

Декабрь ойининг дастлабки кунларида сепилган уруғ бугун 50.000 дона помидор, 30.000 дона қалампир, 10.000 дона булғор ва 5000 дона бодринг кўчатига айланди. Ҳозир Олимжон помидор кўчатини 1200 сўм, бодрингни 900, қалампир ва булғорни 600 сўмдан пуллamоқда. Бу эса, салкам 90 миллион сўм даромад деганидир. Бундан ташқари, О.Олимов яқинда бўшаган ерга яна 1600 туп помидор кўчати ўтқазди. Ҳосилни йиғиштириб олгач, август ойида ўрнига бодринг экмоқчи. Демак, даромад салмоги янада ортади.

Суратда: иссиқхонада.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ТАДБИРКОРЛАР ВИЛОЯТИ БЎЛАДИ

Боши 1-бетда.

чи бут-газ қурилмаси пойдеворига тамал тошн қўйган эди.

Умумий қиймати 432 миллион АҚШ долларига тенг ушбу иншоотнинг қуввати 450 мегаватт. Қурилиш "Mitsubishi Corporation and MHPS" консорциуми ва Туркиянинг "Calik Enerji" компанияси томонидан амалга оширилмоқда.

ИЭСда ишга туширилган биринчи лойиҳадан фарқли равишда, иккинчи бут-газ қурилмасида жами 200 гигакалория (Гкал) иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Бугунги кунда лойиҳанинг бут турбина қурилмасида синов-созлаш ишлари олиб борилмоқда.

Иссиқлик электр станцияларининг фойдали иш коэффициенти одатда 40 фоизни ташкил этади. Навоий ИЭСнинг биринчи бут-газ қурилмасида бу кўрсаткич 57 фоиз бўлса, иккинчисида 61 фоизга тенг.

Бут-газ қурилмаси тўлиқ тайёр ҳолда жорий йил сентябрь ойида ишга туширилади. Бунинг натижасида йилига 3 миллиард 454 миллион киловатт-соат электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқарилади. Ҳисоб-китобларга кўра, лойиҳа самарасида 1 киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш учун шартли ёқилғи сарфи камайиши ҳисобидан йилига ўртача 829 миллион куб метр табиий газ тежалади.

Мамлакатимиз энергетика тизимида 2025 йилгача яна бир қатор замонавий бут-газ қурилмалари барпо этиш режалаштирилмоқда. Бу, ўз навбатида, минг нафардан ортиқ юқори малакали мутахассис тайёрлаш заруратини келтириб чиқаради.

Президентимиз ушбу эҳтиёжни таъминлаш мақсадида Навоий ИЭС базасида бут-газ қурилмалари учун ходимлар тайёрлайдиган ўқув маркази ташкил этиш бўйича топшириқ берган эди. Корхонада Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги – JICA молиявий кўмагида ўқув маркази ташкил этилди. Ҳозирга қадар бу ерда 166 мутахассис тайёргарликдан ўтди.

Давлатимиз раҳбари корхона ишчилари ва хорижлик инвесторлар билан суҳбатлашди.

Президентимиз "Навоиазот" акциядорлик жамиятига ҳам борди.

Мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутувчи ушбу корхонада учта йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Булар поливинилхлорид (ПВХ), каустик сода ва метанол, аммиак ва карбамид ҳамда азот кислотаси ишлаб чиқариш корхоналари қурилишидир. Бунёд этилаётган ушбу корхоналарга замонавий, тежамкор технологик ускуналар ўрнатилади.

Давлатимиз раҳбари ушбу янги объектлардаги бунёдкорлик ишлари билан танишди, қурувчилар, хорижлик инвесторлар билан мулоқот қилди.

Поливинилхлорид, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш лойиҳасининг умумий қиймати 500 миллион АҚШ долларидан ошади.

"Навоиазот" акциядорлик жамиятида аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш бўйича умумий қиймати 985 миллион доллардан зиёд бўлган лойиҳа амалга оширилмоқда. Азот кислотаси ишлаб чиқариш мажмуаси қурилиш лойиҳаси қиймати эса 216,6 миллион АҚШ долларига тенгдир.

Президентимиз замонавий энергия тежамкор технологиялар билан жиҳозланадиган мажмуаларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, таннархини тушириш, рақобатбардошликни таъминлаш муҳим омил бўлишини қайд этди.

Навоий вилоятида мамлакатимиз эҳтиёжи учун жуда муҳим бўлган йирик корхоналар бунёд этяпмиз. Энг замонавий ускуналар ўрнатиладиган бу корхоналарда ишлайдиган кадрлар ҳам шунга муносиб бўлиши керак. Бунинг учун мамлакатимизда жаҳон талабларига жавоб берадиган малакали мутахассислар тайёрлашнинг изчил тизимини йўлга қўйиш, ёшларни хорижда ўқитиш керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда Навоий вилоятида мамлакатимизнинг АҚШ, БАА ва Украинадаги элчихоналари кўмагида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари тақдимоти ўтказилди. Президентга вилоятда саноатни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва бошқа тармоқларда бажарилиши кўзда тутилган лойиҳалар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Балиқчиликни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор самараси ўлароқ, 2018 йил декабрь ойида Кармана туманида "Export Fish Product" масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Лойиҳанинг умумий қиймати 37 миллиард сўм бўлиб, унинг 30 миллиард сўми банк кредити, 7 миллиард сўми корхона маблағидир.

Корхона тўлиқ қувват билан иш бошлагач, йилига 500 тонна балиқ, 100 миллион дона балиқ чавоғи етиштирилади. Келажакда корхона 800 та аҳоли хонадонида ҳам интенсив усулда балиқ боқишни режалаштирган. Натижада 900 га яқин киши иш билан таъминланади. Корхона тасарруфидаги 2 минг гектарлик кўлда етиштириладиган балиқ кластер усулида қайта ишланиб, ундан балиқ уни, мойи, филеси, консерваси, ярим тайёр ҳолатда балиқ котлети ва дудланган балиқ тайёрланади. 600 тонна тайёр маҳсулот экспорт қилинади.

Президентимиз Навоий вилоятига ташрифи доирасида мазкур корхона фаолияти билан ҳам танишди.

Маҳсулот кўп бўлса, рақобат бўлади, рақобат бўлса, сифат ошади, сифат юқори бўлса, экспорт самарали бўлади. Оддий одамларни бой қилсак, давлат ҳам бой бўлади, деди давлатимиз раҳбари.

Шу ернинг ўзида вилоятда қишлоқ хўжалигининг турли тармоқлари бўйича агрокластерлар ташкил этиш, яйловлар ҳолатини яхшилаш лойиҳалари тақдимоти ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари балиқ етиштиришга ихтисослашган корхоналарни, чорвачилик хўжаликлари сонини кўпайтириш, ер унумдорлигини ҳамда томорқадан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар берди.

Ташрифнинг иккинчи кунида Президентимиз раислигида Навоий вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларига бағишланган фаоллар йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари вилоятни комплекс ривожлантиришга қаратилган долзарб вазифаларни белгилаб берди.

Навоий вилояти ялпи ҳудудий маҳсулот бўйича илгор ўринларда бўлса-да, мавжуд резерв ва имкониятлардан тўла фойдаланилмаётгани таъкидланди. Вилоят иқтисодиёти, асосан, бир нечта йирик корхоналарга боғлиқ бўлиб қолгани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик етарли даражада ривожланмагани кўрсатиб ўтилди.

– Вилоятда тадбиркорликни ривожлантиришга жиддий туртки бериш мақсадида бу ерда шундай қулай ва жозибадор бизнес муҳитини яратиш керакки, нафақат маҳаллий аҳоли, балки бошқа вилоятлар аҳолиси ҳам бу ерга келиб, тадбиркорлик билан шуғулланишга интилсин. Энди Навоий вилояти тадбиркорлар вилояти бўлиши керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари шу мақсадда Навоий вилоятини экспортга йўналтирилган инновацион ва юқори технологияли ишлаб чиқаришлар бўйича эркин иқтисодий зонага айлантиришни таклиф қилди. Қайд этилганидек, бунинг учун Бош вазир ўринбосари раҳбарлигида махсус комиссия тузилиб, мазкур иқтисодий зона иштирокчиларига бериладиган имтиёз ва енгилликлар тизими белгиланади.

Йиғилишда инвестицияларни фаол жалб қилиб, янги замонавий корхоналар ташкил этиш ва аҳолини иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Навоий вилоятида 2019-2020 йилларда умумий қиймати 26 триллион 368 миллиард сўмлик 511 та инвестиция лойиҳасидан иборат дастур ишлаб чиқилгани маълум қилинди.

Мазкур дастур доирасида 1 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитларни ўзлаштириб, 17 минг 400 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Жумладан, Навоий иссиқлик электр станцияси, "Қизилқумцемент", "Навоиазот" акциядорлик жамиятлари ва бошқа тармоқларда 12 та йирик лойиҳа амалга оширилиши белгиланган.

Давлатимиз раҳбари қишлоқ хўжалигидаги имкониятларни ҳам таҳлил қилиб, пахтадан бўшаган майдонларда бозорбоп мева-сабзавотлар етиштириш, тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қоракўл тери тайёрлашни кўпайтириб, экспорт ҳажмини ошириш бўйича топшириқлар берди.

Президент Шавкат Мирзиёев фаоллар йиғилишидан сўнг Навоий шаҳридаги Давлат хизматлари маркази фаолияти билан танишди ва шаҳардаги 3-ички ишлар бўлимини бориб кўрди.

МУДДАТ ҚИСҚАРИБ, НАРХ ПАСАЯДИ

Мамлакатимизда Жаҳон банки билан ҳамкорликда кадастр ва кўчмас мулкни рўйхатга олиш тизимини модернизациялаш бўйича инвестицион лойиҳа амалга оширилмоқда. У 2017 йилдан бошланган бўлиб, 2021 йилда тўлиқ якунланади.

"Давергеодезкадастр" қўмитаси томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида берилган маълумотга кўра, ушбу лойиҳанинг мақсади мавжуд қоғоз кўринишидаги кадастр ва кўчмас мулкни рўйхатдан ўтказишни замонавийлашган ҳамда интеграциялашган ахборот тизимини шакллантириш орқали модернизациялашдан иборат. Ушбу ахборот тизими электрон ҳукуматнинг таркибий қисми сифатида геоахборот ва веб технологиялардан фойдаланилган ҳолда яратилади.

Лойиҳа амалиёти натижасида кадастр ҳужжатлари, кўчмас мулкларга бўлган ҳуқуқлар, давлат реестрлари, картографик материаллар рақамлаштирилади. Кадастр тизимида давлат хизматлари кўрсатиш жараёнлари компьютерлаштирилади, жумладан, кадастр съёмкалари, инвентаризациядан ўтказиш, кадастр йиғмажилдларини тайёрлаш, кўчмас мулкларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ер ресурсларини бошқаришнинг, шунингдек, барча ваколатли ташкилот ва идораларнинг ахборот таъминоти пайдо бўлади. Маълумотларни қайта ишлаш маркази ҳамда 14 та ҳудудий давлат кадастр корхонасининг ахборот тизимини жорий қилиш учун улар зарур алоқа, компьютер ва дастурлар билан жиҳозланади. Электрон ҳукуматнинг асосий платформаси ҳисобланган маълумотлар базаси яратилади. Интерактив хизматлардан фойдаланиш ёрдамида ҳамда хизматлар турини кенгайтириш орқали кадастр ва рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматлари сифати яхшиланади. Кўчмас мулк билан боғлиқ битимлар тўғрисидаги маълумотларнинг шаффофлик даражаси оширилади. Энг муҳими, лойиҳа амалиёти бу соҳада дунё даражасига чиқиш имконини беради ҳамда "Бизнесни юритиш" халқаро рейтингининг "Кўчмас мулкни рўйхатдан ўтказиш" қисми бўйича Ўзбекистоннинг тутган ўрнини кўтаришга, пировардида юртимизга чет эл инвестицияларининг кўпроқ жалб қилинишига катта ҳисса қўшади.

Лойиҳа устида олиб борилаётган ишларнинг ҳозирги ҳолати ҳақида тўхталиб таъкидланганидек, бунда бир қатор хорижий мутахассисларнинг роли катта бўлмоқда. Энг аввало, кўчмас мулкни рўйхатдан ўтказиш ва кадастр бўйича интеграциялашган ахборот тизими дизайнини ва техник хусусиятларини ишлаб чиқиш бўйича танлов эълон қилиниб, "Norway Registers Development AS" (Норвегия) компанияси жалб қилинган. Бугунги кунда интеграциялашган ахборот тизимининг дизайни ва техник хусусиятларини ишлаб чиқиш ишлари якунланиб, тендер ҳужжатларини тайёрлаш жараёни кетмоқда. Жаҳон банкининг грант маблағлари эвазига Венгрия (Compet–Terra Organizing and Consulting Ltd) ва Швеция (FCG Swedish Development AB) компаниялари вакиллари фаол иштирок этмоқда. Хизмат кўрсатиш стандартлари, этика кодексини ишлаб чиқиш бўйича голландиялик эксперт А.Квитовски, онлайн қўлланма, методик тавсиялар ва фойдаланишда қулай бўлган веб-портал концепциясини яратиш бўйича финляндиялик Юкка Пекка Толванен билан ҳамкорлик қилинмоқда. Айни пайтда ушбу ҳужжатлар ва қўлланманинг дастлабки лойиҳалари тайёрланган бўлиб, улар қўмита мутахассислари томонидан ўрганилмоқда.

Бундан ташқари, рўйхатга олиш ва кўчмас мулк кадастри ҳақидаги маълумотларни ишлаб чиқиш бўйича "йўл харитаси" ва чора-тадбирлар жадвали тузилган.

Рақамлаштириш бўйича синов ишлари Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида бошланди. Синов давомида саволлар ва таклифлар йиғилиб, умумлаштирилмоқда, белгиланган масалалар ва таклифлар асосида техник кўмак маслаҳатчилари билан биргаликда рақамлаштириш йўриқномаси такомиллаштирилади.

Янги тизим тўлиқ ишга тушса, кадастр хизматларини кўрсатиш муддати қисқаради, унинг нархи тушади, соҳа мутахассислари учун енгиллик яратилади.

Замира ТОЖИЕВА.

НОДИР ҚЎЛЁЗМА КИТОБЛАР ҚАНДАЙ БАҲОЛАНАДИ?

Боши ўтган сонда.

Баҳоловчи мутахассис ҳар доим ҳам мазкур амалиётни мустақил равишда бажара олмайди. Шу сабабдан, "Баҳолаш фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг 14-моддаси талабларидан келиб чиққан ҳолда, соҳавий йўналишда бой амалий тажрибага эга бўлган эксперт-мутахассислар гуруҳи жалб қилиниши мумкинлиги назарда тутилган.

Бинобарин, қўлёзма кўчирилган санани аниқлашда хатога йўл қўймаслик керак. Баъзан қўлёзма битилган ва кўчирилган сана абжад ҳисоби воситасида сўз бирикмаси таркибида яшириб ифодаланган бўлиши мумкин. Шу боис, айнан қўлёзма китобларни баҳоловчи мутахассис араб алифбосидаги ҳарфлар воситаси билан ифодаланган сонлар асосидаги ҳисоб – абжад ҳисобини яхши билиши талаб этилади. Бирйўла хат тури (шакли) тадқиқ қилинади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, аксарият қўлёзмалар муҳаққақ, сулс, райҳоний, насх, тавқиъ, риқоъ ва таълиқ хат турларида битилган бўлиши мумкин. Мазкур хат турлари хаттотлар тилида "етти хат" деб юритилади.

Бир қарашда баҳолаш ишлари шу билан якунлангандек бўлиб кўринса-да, олдинда катта меҳнат ҳамда чуқур билим талаб қилувчи энг асосий босқич кутаётганлиги маълум бўлади. Савол тугилади: бу босқич нима учун энг асосий дея тоифаланади?

Биринчидан, асарнинг бошқа қўлёзма нусхалари мавжуд ёки мавжуд эмаслиги аниқланади. Мисол тариқасида қуйидаги маълумотларни келтириш ўринли. Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид ва Хусайнхон Яҳё Абдулмажиднинг "Навоийдан чу топгайлар навое" китобида Алишер Навоий асарлари ичида қўлёзма нусхаси энг кўпларидан бири "Арбаъин" рисоласи эканлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида асарнинг 18 та қўлёзма нусхаси, Туркиянинг Реван ва Султония кутубхоналарида эса иккита қўлёзма нусхаси сақланаётгани, қўлёзмаларнинг аксарияти XIX асрда кўчирилгани, атиги 3-4 таси қадимий эканлиги қайд этилган.

Қўлёзманинг қанча ададда кўчирилганлиги китоб баҳосига таъсир кўрсатмай қолмайди. Адади қанчалик кам бўлса, қўлёзма шунча нодир ва баҳоси юқори бўлади. Нодир китоблар коллекцияси билан шуғулланувчи тор доирадаги ихлосмандларнинг таъкидлашича, мазкур жиҳатлар китоб баҳосининг тақрибан 40–50 фоиз шаклланишига таъсир этувчи шартли омил сифатида эътироф этилади.

Иккинчидан, имкон бўлган тақдирда қўлёзма матиларини айнан ўзидан, имкони бўлмаса, фотонусхалар ёки электрон каталоглар ёрдамида қиёсий таҳлил қилиниб, улар орасидаги фарқлар атрофлича ўрганиб чиқилади. Жумладан, сўзларнинг ўриш алмашиши, сўз ва кичик жумлаларнинг фарқлилиги, қофиялардаги турлилик каби жиҳатлар аниқланади. Одатда бу фарқларга асарнинг умумий мазмунига таъсир этмайдиган жузъий камчиликлар сифатида қаралади. Тузатишлар шахсан асар муаллифи ёки хаттотлар томонидан киритилган бўлиши мумкин. Шу билан бирга, қиёслаш асносида баҳоланаётган қўлёзмадаги хатолар тўғриланган ва унда йўқ байтлар ёки шарҳлар билан тўлдирилган бўлса, унинг қиймати янада ошишига сабаб бўлади.



Агарда тузатишлар шахсан муаллиф томонидан киритилгани аниқланса, мазкур нусха автограф сифатида баҳоланади ва қўлёзма қиймати бир неча баробар ошишига туртки бўлади (Ҳасанхон ва Хусайнхон Абдулмажиднинг "Навоийдан чу топгайлар навое" китоби – 64, 65-бетлар). Бунда нусхаларнинг ишончлилик даражаси нисбатан юқори деб баҳоланади. Қўлёзма варақлари қандай қоғоздан тайёрлангани ҳам муҳим саналади. А.Иброҳимов ва А.Сулаймонов ҳаммуаллифлигидаги "Китобот санъатига оид атамаларнинг изоҳли – иллюстратив лугати"да келтиришича, қоғоз дастлаб Хитойда ихтиро қилинган ва VI–VIII асрларда араблар орқали Эрон, Шимолий Африка, Кипр, Испания, Марокаш ва бошқа мамлакатларга ёйилган. VIII асрнинг иккинчи ярмига келиб Самарқандда ҳам қоғоз ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Ушбу қоғозлар таркиби, сифати, тозалиги, нафислиги, жилодорлиги, пишиқлиги ва, албатта, баҳоси билан ажралиб турган. Мисол учун, Самарқанднинг ипакдан тайёрланган "қоғози абришемий"си китобот санъати билан шуғулланувчилар ўртасида қадрланганлиги боис, баҳоси юқори бўлган. Шу сабабдан мазкур жараёнда қоғоз турини фарқлай олиш малакасига эга мутахассисларнинг бўлиши мақсадга мувофиқ саналади.

Айнан мана шу жараёнлар асносида аниқланган мезонлар китоб баҳосининг қарийб 20-30 фоизини ташкил қилиши эътироф этилади. Қўлёзма баҳосининг қолган 15-20 фоизини китоб безаш санъати – муқова, унинг қайси материаллардан ясалгани, унда бўртма ва босма туруж нақшларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги, зарварақларнинг асосий нақш безаги тури ва миниатюра композициялари мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳамда уларнинг китоб тематикасига боғлиқлиги ташкил қилади.

Таъкидлаш лозимки, барча ҳолатларда фоиз нисбатида кўрсатилган қўлёзма баҳосига таъсир этувчи коэффициентлар муқим, яъни қатъий коэффициентлар саналмайди. Мазкур коэффициентлар эксперт мутахассислар томонидан ўрганилаётган қўлёзмага оид мезонлардан келиб чиқиб шартли равишда белгиланади.

Бундан ташқари, қўлёзма эгаси билан ўтказилган якка тартибдаги суҳбат барча саволларга жавоб топишда бирламчи манба сифатида хизмат қилади. Масалан, қўлёзма қай тарзда унгача етиб келган, қўлёзманинг асл соҳиби ким бўлган, қўлёзма соҳибининг муаллифга алоқаси бўлганми, қўлёзма қачон қўлга киритилган ва ҳоказо.

Қўлёзмани тадқиқ қилаётган эксперт мутахассислар гуруҳи назардан қочирмасликлари лозим бўлган яна бир жиҳат борки, бу ҳам бўлса тадқиқ қилинаётган қўлёзманинг қалбаки, яъни яқин йилларда кўчирилган нусха эмаслигини аниқлашдир. Зеро, аксарият коллекционерларда сақланаётган ёки чет эл шахсий аукцион уйларида савдога қўйилаётган қўлёзмаларнинг ҳаммаси ҳам асл нусхалар эмаслигини эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Бинобарин, қўлёзма асл эмаслиги аниқланган тақдирда, унинг баҳоси кескин пасайиб кетади ва ўзининг тарихий қимматини йўқотади.

Эксперт мутахассислар юқорида қайд этилганларни ҳар тарафлама пухта ўрганиб чиққанларидан сўнг китобнинг бадиий ва тарихий баҳоси ҳақида бирламчи таассуротлар ҳосил бўлади.

Агарда қўлёзма катта бадиий ва тарихий аҳамиятга молик деб топилса, келгусида илмий тадқиқотлар ўтказиш ва илмий меросни сақлаб қолиш мақсадида қўлёзмалар тадқиқоти билан шуғулланувчи илмий марказларга маълумот берилади ҳамда қўлёзма эгасининг розилиги билан доимий сақлаш ва илмий йўсинда фойдаланиш учун қабул қилиб олинади.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, бугунги кунда айнан антиквар – нодир қўлёзма китобларни баҳолаш юзасидан мулкни баҳолаш миллий стандарти ва мазкур йўналишда баҳоловчи мутахассислар томонидан якдиллик билан қабул қилинган фикрлар, қарашлар ва услублар мавжуд эмас. Шу боис, айнан бир қўлёзма баҳоси юзасидан турли баҳоловчилар ўзларининг ёки ёлланган эксперт-мутахассисларнинг амалий тажрибасидан келиб чиқиб, бошқа-бошқа нарх белгилаш ҳолатлари кузатилади.

Шу туфайли қўлёзманинг якуний қийматини аниқлашда экспертлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар умумлаштирилиб, якдил – коллегиал қарор қабул қилинади. Ўрнатилган тартибдаги ҳужжат – экспертиза хулосаси расмийлаштирилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, матбаачилик ривожланмагани, китоблар хаттотлар томонидан қўлда кўчирилганига қарамай, ота-боболаримиз ҳамиша китобга интилган, китобни ардоқлаган, ўқиганларини бошқаларга ёйган. Бунга эса улар қолдирган бой меросни пухта ўрганиш, инсонларга фойда келтирувчи барча илмларни ўзлаштириш ва уни фарзандларимизга ҳам ўргатиш орқали эришишимиз мумкинлигини англаб етишимиз зарур.

И.КАДИРОВ,
"Veritas" МЧЖнинг
заргарлик буюмларини
баҳолаш бўйича эксперти.

МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

Мамлакатимиз бугунги кунда дунёнинг ривожланган давлатларидан бири ҳисобланган Нидерландияга металл, тўқимачилик ва мева-сабзавот маҳсулотлари, ноорганик кимёвий моддалар, пластмассадан тайёрланган буюмлар каби товарларни экспорт қилмоқда. Нидерландиядан эса кимёвий маҳсулотлар, машина ва ускуналар, мева-сабзавот, озиқ-овқат маҳсулотлари, уй ҳайвонлари, оптик асбоблар ва бошқалар келтирилмоқда.

Ўзбекистон – Нидерландия ўртасидаги ўзаро товар айланмаси ҳажми ўтган йили 147,26 миллион долларга етган. Республикамизда Нидерландия билан ҳамкорликда 47 та корхона фаолият юритмоқда. Шундан 30 таси қўшма корхона шаклида, 17 таси юз фоиз Нидерландия капитали асосида ташкил этилган. Ушбу давлатнинг озиқ-овқат ва енгил саноатга ихтисослашган 9 та компанияси юртимизда ўз ваколатхонасини очган.

Келгусида мазкур кўрсаткичлар ҳамда экспорт-импорт кўлами янада ошиши мумкин. Савдо-саноат палатаси томонидан ташкиллаштирилган Ўзбекистон – Нидерландия агробизнес форуми ва икки томон ишбилармон доира вакилларининг B2B шаклидаги учрашуви бунга асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Тадбирларда мева-сабзавотни етиштириш ва қайта ишлаш, инновацион суғориш, иссиқхоналар қуриш, совутиш ускуналарини ишлаб чиқариш, богдорчилик, чорвачилик йўналишларида ўзаро маълумот ва тажриба алмашилди. Нидерландиянинг айни соҳалар билан шуғулланувчи 40 дан зиёд компанияси вакиллари эътиборига республикамиздаги инвестицион муҳит, иқтисодиётни либераллаштириш, маҳаллий ва хорижий сармоядорларнинг ҳуқуқий ҳимояси билан боғлиқ амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумотлар ҳавола этилди.

Ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш истиқболлари, корхоналараро ҳамкорликни жадаллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Меҳмонлар томонидан кўп йиллик тажриба ва амалиётни ўзида акс эттирган тақдимотлар намойиш қилинди, бир қатор лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш режалари мавжудлиги билдирилди. Хусусан, "Holland Rosetta" компаниясида Самарқанд ва Жиззах вилоятларида гилос плантацияларини барпо этиш лойиҳаси ишлаб чиқилгани айтиб ўтилди.

Делегация аъзоларининг "AgroWorld-2019" халқаро кўргазмасида иштирок этиши режалаштирилган. Шунингдек, уларнинг Наманган вилоятида бўлиб, қишлоқ хўжалиги корхоналари билан ўзаро манфаатли шерикликни йўлга қўйиш юзасидан музокаралар ўтказиши кутилмоқда.

О. ЛАТИПОВА.

РОССИЯ ҚЎШИНЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНОТИ

Россия Федерацияси Мудофаа вазирлигининг молиявий таъминот департаменти бевосита мамлакат қўшинларини молиялаштиришга масъул бўлиб, мудофаа вазирининг молиявий таъминот бўйича ўринбосарига бўйсунади. Департаментнинг асосий вазифалари бюджет воситалари орқали Мудофаа вазирлиги харажатларини молиялаштириш ва марказлашган тўловларни амалга оширишдан, ушбу вазирликка кўрсатилган хизматларни ва бажарилган буюртмаларни молиявий-иқтисодий қўллаб-қувватлашдан, харажатлар ҳисоботларини тайёрлаш, уларни таҳлил қилиш ва пул маблағларини тежаш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Мудофаа вазирлигининг молиявий таъминоти молиявий режалаштириш, молиялаштириш, талаб қилиш, пул маблағларини олиш, сақлаш, уларнинг тежамкорона ва мақсадли ишлатилишини таъминлаш, ҳисобини юритиш ва ҳисоботларини таъминот идорасига тақдим этиш, молиявий назоратни амалга ошириш, молия фаолиятини таҳлил қилиш ва тегишли ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш ёки ишлаб чиқиш каби вазифаларни қамраб олади.

Вазирлик бўйича молиявий режалаштириш молиявий таъминотнинг асосий фаолияти ҳисобланади. Чунки давлат бюджетидан ажратилган пул маблағларининг харж мақсадлари бўйича тўғри тақсимланиши мамлакат қўшинларининг жанговар қобилиятини ва шахсий таркибнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлайди.

Россия Мудофаа вазирлигидаги молиявий режалаштириш – иқтисодий ва молиявий фаолиятнинг асосий йўналишларидан бири бўлиши қўшинларнинг ва ҳарбий денгиз кучларининг жанговар тайёргарлигини, ҳарбийларни ижтимоий ҳимоялаш учун якуний маҳсулот шаклида ялпи ички маҳсулотга нисбатан қийматини ажратиш ҳисобланади.

Молиявий режалаштиришда ўзида молиявий-иқтисодий фаолиятнинг идоравий, ташкилий ва тармоқ хусусиятларини, шунингдек, қўшилма фондлар шаклланиши ва улардан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатларини акс эттирадиган молиявий режалар тайёрланади ҳамда унда белгиланган тадбирлар амалга оширилади.

Армия ва флотни молиялаштириш қуйидаги мақсадларга йўналтирилади:

– федерал бюджет бўйича молиялаштиришни йўлга қўйиш;

– келгусида Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисм ва муассасаларни молиялаштириш учун федерал бюджет воситаларини қуйи бўғинлардаги федерал бюджет воситаларини тақсимловчилар ҳисоб рақамларига ўтказиш;

– пул маблағларини федерал бюджет воситаларини тақсимловчилар ҳисоб рақамларига ўтказиш вақтида дастлабки назоратни амалга ошириш. Пул маблағлари тўғри ва мақсадли ажратилаётганига доир бу назорат ҳужжатларни имзолаш вақтида барча мансабдор шахслар томонидан ўтказилади. Масалан, пул маблағларини тақсимлашда молиялаштириш ҳужжатлари расмийлаштирилади ҳамда белгиланган пул маблағларини тақсимлаш ҳуқуқи берилган шахслар ва департамент мансабдорлари томонидан имзоланади. Айни чоғда, улар қўшилмаларнинг пул маблағига бўлган эҳтиёжларини, пул миқдорининг бажариладиган ишлар ва хизматларга мослигини, мақсадга мувофиқлигини текширадилар. Шундан сўнггина молиялаштириш ҳужжатларига имзо чекадилар. Бундан мақсад пул маблағлари нотўғри сарфланиши олдини олишдир.

Яна бир гап. Пул маблағларидан оқилона фойдаланиш мақсадида Қуролли Кучлар қўшинларини молиялаштириш лимитлари белгиланади. Бу лимит белгиланган вақт (ой, квартал, йил) ёки бирон-бир тадбир ўтказиш учун ажратилган пул маблағлари миқдоридир. Унинг миқдори қўшилма шахсий таркиби сонига, шахсий таркибни сақлаш ва моддий воситаларга пул маблағларининг харажат меъёрларига, қўшилманинг олдида турган вазифалари ва уларни бажариш хусусиятига, моддий воситалар мавжудлигига ва ҳолатига боғлиқ. Молиялаштириш лимитларининг миқдорлари қўмондонлик директивалари орқали етказилади.

Ҳозир Россия Қуролли Кучларида молиялаштириш лимитлари қуйидаги сарфлар бўйича амалга оширилади:

– хизмат сафари харажатлари ўрнини қоплаш;

– ҳар квартал бошига ҳисобларда сақланиши керак бўлган пул маблағлари;

– ҳарбий қисм кассасида сақланиши лозим ҳисобланган пул маблағлари.

Молиялаштириш лимитлари пул маблағларининг мақсадли, тежамкорона ва самарали сарфланишига хизмат қилади.

Ҳисоб-китоблар барча молиявий-иқтисодий операцияларни бухгалтерия ҳужжатларида пул ва моддий ресурсларни мунтазам равишда акс эттириш асосида амалга оширилади. Россия Мудофаа вазирлигининг молия-хўжалик органлари ҳисоб-китоблари муайян даврда тегишли молиявий режаларни амалга оширишни ва органларнинг асосий фаолияти натижаларини тавсифловчи кўрсаткичлар тизимидир. У бухгалтерия ҳисобига ва статистик ҳисоботларга бўлинади.

Мудофаа вазирлигининг молиявий ва иқтисодий фаолияти устидан молиявий назорат давлат молиявий назоратининг ажралмас қисми ва молиявий-иқтисодий хизматнинг энг муҳим йўналишларидан биридир. У миллий мудофаага ажратилаётган ресурслардан қонуний фойдаланишни, унинг мақсадли сарфланишига эришишни, мавжуд дастуриламал ҳужжатлар талаблари бажарилишини назорат қилишни ўз ичига олади. Шунингдек, молиявий назорат молия таъминотнинг муҳим вазифалари саналган ҳарбий хизматчиларнинг ойлик маошлари ўз муддатида ва тўлиқ берилиши, пул воситаларини сақлашда уларнинг ўғриланишига йўл қўймаслик, нотўғри ва мақсадсиз харажатлар олдини олиш, молия мансабдор шахсларига амалий ёрдам кўрсатиш каби вазифалар сифатли бажарилишини таъминлайди.

Россия Қуролли Кучларини молиялаштириш "марказ – бирлашма – қўшилма – ҳарбий қисм" тартибида бажарилади.

Молия хўжалигини ташкиллаштириш, ҳарбий хизматчиларни ойлик маошлар билан таъминлаш, қурилишни ва капитал таъмирлашни молиялаштириш, молия бўйича пул маблағлари ҳисобини юритиш ва ҳисоботларни табелларда кўрсатилган вақтларда тақдим қилиш, ишчи ва хизматчиларнинг ойлик маошларини меъёрлаштириш ва бошқалар Россия Қуролли Кучлари иқтисодий ва молиявий фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Айни кезларда барча пул кўчиришлар Россия давлатининг газначилик бўлимлари ва банклар томонидан амалга оширилади.

Россия Федерацияси қўшинлари ҳам НАТО қўшинлари сингари турли пул манбаларидан молиялаштирилади. Ажратилажак маблағлар миқдори давлат иқтисодиётига, қўшинларга юклатилган вазифаларга, улардаги куч ва воситалар миқдорига, бажариладиган ишлар кўламига ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Умумлаштириб айтадиган бўлсак, хорижий давлатлар армияларининг молиявий таъминотини молиялаштириш турли манбалар ҳисобидан амалга оширилади. Бу ишга масъул ташкилот-идоралар кўп. Улар маблағлар қўшинлар томонидан нечоғли тўғри ва мақсадли талаб қилинганини текширгандан кейин молиялаштиришга киришадилар. Пуллар сарфланишини назорат қилувчи тизимлар эса давлатга келтирилган зарарлар ўрнини қоплаш ва келгусида бундай хато-камчиликларга йўл қўймаслик чораларини кўришади.

Отабек ГУЛОМОВ,
подполковник,
Ўзбекистон Республикаси
Қуролли Кучлари академияси
ўқитувчиси.

Олис қишлоқ – Яссикечувда тикувчилик цехи иш бошлади


Нурота тоғларининг жанубий ёнбағирларидаги лалми адирлар қўйнидаги Яссикечув қишлоғи Жиззах вилоятининг энг олис ҳудудларидан ҳисобланади.

Вилоят марказидан 130, туман марказидан 30 километр узоқда жойлашган ушбу қишлоқнинг муаммоларидан бири аҳолининг ишсизлиги ҳисобланади.

Шу қишлоқда туғилиб ўсган Мафтуна Тургунбоева ўзининг тикувчилик цехини очиб, ҳамқишлоқларидан 10 нафарини иш билан таъминлади. Қишлоқдаги коллежни битирган Мафтуна Тургунбоева Тошкент вилояти Зангиота туманидаги тикув цехида икки йил ишлаб, кийим-кечак тикиш сирларини ўрганиб келди. Бу ишни ўз қишлоғида йўлга қўймоқчи бўлди. Бироқ тикув цехи учун жой, тикув машиналари учун маблағ керак эди.

Туман ҳокими Абдували Мустоновнинг қишлоқ аҳли билан ўтказган учрашувида Мафтуна ўзининг бу ниятини айтиб, кўмак сўради. Ҳоким бу таклифни мамнуният билан қабул қилиб, муаммони шу жойнинг ўзида ҳал этди. Ҳудуддаги Қораабдол қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежининг бўш биносини 10 дона тикув машинаси билан унинг ихтиёрига берди.

Шундай қилиб, Мафтуна маҳалласининг 10 нафар тикувчиликка ихлосманд қизларини ёнига олиб, ишни бошлаб юборди. У шогирдларига трикотаж матолардан эркаклар ва аёлларга мўлжалланган спорт кийимлари, турли ўлчамдаги кўйлаклар, келинлик либослари тикишни ўргатишга киришди.



– Туман ҳокими, секторлар раҳбарлари олис қишлоқлардаги ижтимоий, иқтисодий муаммоларни ҳал этишда хотин-қизлар учун иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратаётир, –дейди туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Гулнора Исмонлова. – Ўтган йили тумашимизда хотин-қизлар учун 2 минг 209 та янги иш ўринлари яратилди. Улардан 200 нафарга яқини Яссикечув каби чекка ҳудудларда ташкил этилган кичик корхона ва цехларда иш билан таъминланди. Жорий йилда ҳам олис қишлоқларда янги иш ўринлари яратиш бўйича кичик лойиҳаларни амалга оширишга, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга эътибор қаратилаётир.

Тошқул БЕКНАЗАРОВ, ЎзА.

ЙИРИК КОРХОНАДАН ЯНГИ ЛОЙИҲА

Юртимизда кенг миқёсда уй-жойлар, мактаб, богчалар ва замонавий шаҳарлар қуриш ишлари жадал бормоқда. Бу эса янги турдаги мебель жиҳозларига бўлган эҳтиёжни ошпрмоқда. Шунингдек, мебель хомашёси, яъни ЛДСП ва ЛМДФга талаб ҳам шунга яраша бўлмоқда. Бундай ўзгариш рақамларда янада яққол намоён бўлади. Мисол учун, 2016 йил 59.8 миллион куб метр ЛДСП импорт қилинган бўлса, 2017 йилда бу кўрсаткич 73.9 миллион куб метрга, 2018 йилда эса қарийб 100 миллион куб метрга етди.

Бозорда талабнинг ошиб бориши эса бу йўналишда янги лойиҳалар ишлаб чиқишда кўл келади. Олмазор туманидаги "ALMUS Companies" масъулияти чекланган жамияти ламинатланган ЛДСП, ЛМДФ ҳамда пропитка қилинган декоратив қоғоз ишлаб чиқариш лойиҳасини амалиётга жорий этмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 4.013 миллион еврони ташкил этмоқда.

Айни вақтда ишлаб чиқариш қувватининг атиги 56 фоизидан фойдаланаётган корхона янги лойиҳа туфайли 81 фоиз қувватда ишлай бошлайди. Шунингдек, ҳозирда фаолият юритаётган 120 нафар ишчи ёнига яна йигирмага яқин ёшлар қўшилади.

Айни вақтда хомашё харид учун "ТЛД Экспо" (Россия) корхонаси билан 2.0 миллион евро миқдорида шартнома имзоланган. Маҳсулотларни Германия технологияси асосида ишлаб чиқариш мўлжалланаётгани туфайли келгусида уларнинг сифати юқори бўлиши айтилмоқда.

ЎзА.

BIZNES Daily

БИРЖА

2019 йил 14 март №29 (2504)

- Биржа савдолари натижалари
- Биржа бюллетенлари
- Котировкалар, листинглар
- Танлов ва тендерлар
- Қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг муҳим фактлари
- Банкротлик

Илова: эълонлар бепул тарқатилади.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент шаҳри ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги Тошкент шаҳри давлат мулкини ижарага бериш маркази хусусий секторни кенгайтириш, кичик бизнесни ва тадбиркорликни ривожлантиришда кўмаклашиш ҳамда давлат мулкидан янада оқилона фойдаланиш мақсадида қуйидаги манзилларда жойлашган бинолардаги бўш майдонларни ижарага олишни таклиф этади

Т/р	Балансда сақловчининг номи	Манзил (жойлашган жойи)	Ижарага берилаётган давлат мулкини номи	Ижарага берилаётган майдон (кв.м.)	Ижара муддати	Давлат мулкини ижарага бериш шартлари	Балансда сақловчининг телефон рақами
1	"Ҳужжатли ва хроникал фильмлар киностудияси" ДУК	Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 1-а уй	бино қисми	207,32	31.12.2019 йилгача	омборхона, офис	71-277-18-46
2	Тошкент шаҳри ЙҲХБ	Чилонзор тумани, Меҳр кўчаси, 56-уй	бино қисми	47,17	31.12.2019 йилгача	умумий овқатланиш	981277101
3	"Қурилиш ва миллий ҳунармандчилик" КҲК	Олмазор тумани, Умид кўчаси, 16-уй	бино қисми	250,14	31.12.2019 йилгача	нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш, пластик эшик-ром ишлаб чиқариш	71-227-14-08
4	Кўҳна Чўпонота	Учтепа тумани, 13-мавзе, 24-а уй	бино қисми	246,10	31.12.2019 йилгача	ёғочни қайта ишлаш фаолияти	71-274-82-00
5	Успенский номидаги академик лицей	Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик кўчаси, 31-уй	бино қисми	60,00	31.12.2019 йилгача	кир ювиш	71-233-71-28
6	Фан ва технологиялар марказининг босмахонаси	Чилонзор тумани, Олмазор кўчаси, 171-уй	бино қисми	114,50	31.12.2019 йилгача	Суратхона ва ўқув курси	71-245-57-63
7	ЎзР Сув хўжалиги вазирлиги Чирчиқ-Оҳангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси	Бектемир тумани, Сувчи даҳаси, Роҳат 13-уй	бино қисми	117,00	31.12.2019 йилгача		71-295-39-30
8	Ҳамид Олимжон МФЙ	Мирзо Улуғбек тумани, Пушкин берк кўчаси, 4-уй	бино қисми	39,38	31.12.2019 йилгача	Уй-жой хўжалиги	71-2373027
9	Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти	Мирзо Улуғбек тумани, Қ.Ниязова кўчаси, 39-а уй	бино қисми	149,00	31.12.2019 йилгача	ўқув курслари	71-237-19-79
10	Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти	Мирзо Улуғбек тумани, Қ.Ниязова кўчаси, 39-а уй	бино қисми	38,00	31.12.2019 йилгача	ўқув курслари	71-237-19-79
11	Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги	Шайхонтоҳур тумани, Маннон Уйғур кўчаси, 345-уй	бино қисми	327,58	31.12.2019 йилгача	тикувчилик цехи	71-241-75-31
12	286-мактаб	Мирзо Улуғбек тумани, Хуросон 1-тор кўчаси, 7-уй	бино қисми	7,00	31.12.2019 йилгача	чакана савдо	71-289-25-62
13	Матбуотчилар мажмуаси сервис	Миробод тумани, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй	бино қисми	19,47	31.12.2019 йилгача	таҳририят ва нашриёт	71-233-84-30
14	4-мактаб	Учтепа тумани, Лочин кўчаси, 82-уй	бино қисми	42,00	31.12.2019 йилгача	нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш	71-247-09-43
15	134-мактаб	Олмазор тумани, Бешқўрғон-3 кўчаси, 39-уй	бино қисми	4,00	31.12.2019 йилгача	китоб савдоси	71-246-33-75
16	18-мактаб	Мирзо Улуғбек тумани, Асака кўчаси, 5-уй	бино қисми	175,00	31.12.2019 йилгача	маданият ва санъат	
17	Чилонзор тумани "Баркамол авлод" болалар маркази	Чилонзор тумани, Чилонзор 2-мавзе, 48-уй	бино қисми	15,68	31.12.2019 йилгача	ўқув курслари	71-277-13-39
